Зайниддин Абул Фазойил Исмоил ибн Хусайн ал-Журжоний ал-Хоразмий улуг олим ва замонасининг энг машхур табибларидан бири хисобланар эди.
XII асрнинг машхур тарихчиси Захириддин Абул Хасан Байха-кий ўзининг «Татима сифон ал-хикма» («Донолик хазинасига кўшимча») асарида Исмоил Журжоний хакида шундай ёзади: «Мен у кишини 531 хижрий (1136 милодий) йилда Сарахсда кексалик чогларида курган эдим. Ер юзининг адолатпеша хукмдори хоразмшох Отсиз ибн Мухаммад уни бир неча муддатга Хоразмга таклиф этган эди. Хоразмда бўлган вактида у «Ал-Хуффайи ал-аълоий» («Пояларнинг юкори кисми»), «Ат-Тибб ал-мулукий», «Китоб аз-захи-райе Хоразмшохий», «Китоб ал-ахрод» («Хасад туфайли келиб чикадиган касалликлар»), «Китоб ёдгор» («Эсдалик китоби»), «Китоб фи рад алал фалосафа» («Файласуфларга карши раддия китоби»), кози Абу Сайд Шориъийга багишлаб «Китоб тадбир йаум ва лайлат» («Кеча билан кундузнинг алмашиниши хакида китоб»), «Китоб васиятнома» ва бошка табобат хамда фалсафага дойр асарлар езди. Унинг ёзган асарлари севиб ўкилганидан тез орада жахонга машхур бўлди.
Мухтарам кишилардан эшитишимча, у киши очик чехрали, хушмуомала, табиатан саховатли шахе эканлар» (172-бет).
Исмоил Журжоний 1042 йилда Журжон шахрида тугилган бўлса хам, умрининг кўп кисмини Хоразмда ўтказганлигидан Зайниддин Абул Фазойил Исмоил ибн Хусайн ал-Журжоний ал-Хоразмий деб улугланар эди.
Журжоний хоразмшох кутбиддин Мухаммад ибн Ануштагин (1097—1127) ва унинг ўгли Алоуддавла Отсиз (1127—1156) саройида хизмат килди. Журжоний ўз даврида кадимги юнон табобати вакиллари Гален, Гиппократ, шунингдек, ўзидан олдин ўтган Абу Бакр Розий ва айникса, ибн Сино асарларини чукур ўрганди.
Табобат илмидан ташкари бошка илм сохаларида хам машхур бўлганлигидан унга ойига минг динордан маош тайин килинган эди. Исмоил Журжоний ўзининг табобатга багишланган энг йирик асари «Захирайе Хоразмшохий»ни 1110 йилда ёзиб тугатди ва уни хоразмшох кутбиддинга багишлади. Отсизнинг буйругига кўра, бу асарнинг кискартирилган нусхасини 1113 йилда «Ал-Хуффайи ал-Аъло-ий» номи билан ёзиб тугатди. Асар хаммага тушунарли форс тилида ёзилган бўлиб, харбий юришлар ва саёхатларда хам хар ким этиги кўнжига солиб юришига кулайлик яратиш максадида шундай килинди.
«Захирайе Хоразмшохий» ўн китобдан иборат бўлиб, кейинчалик унга «Дорисозликка оид китоб» («корабодин») кўшилди.
Биринчи китоб умумий назарий масалаларга багишланган бўлиб, унда табиат ва коинот хакидаги карашлар баён этилади. Инсон организмининг бирламчи аъзоларини ташкил этган унсурлар, мижоз, тўрт суюклик, баданнинг хар бир кисмининг нималарга кодирлиги хакидаги таълимот ва шу муносабат билан табобатнинг фан сифатидаги вазифалари хакида гапирилади.
Иккинчи китобда соглик ва касалликлар хакидаги таълимот, уларнинг турлари, намоён бўлиш белгилари, томир уришига караб касалликни аникпаш тўгрисида сўз юритилади.
Учинчи китоб согликни саклаш, бунда атроф-мухитнинг таъсирига, яъни хаво, маскан, сув, озик-овкат, ичимлик, уйку, бедорлик, харакат ва осойишталикка багишланган. Бу китобда болалар, кариялар, сафардагилар учун алохида-алохида коидалар баён этил-ган.

Тўртинчи китобда касалликни кандай кечиши мумкинлигини белгилаш, кайси пайтларда энг огир холатларга тушиб колиш, улардан кутулиш муаммолари хакида гап боради.
Бешинчи китобда безгак касалининг пайдо бўлиш сабаблари, унинг белгилари, даволаш тарзи баён этилган.
Олтинчи китобда инсон аъзойи баданининг хар хил жойларида пайдо бўладиган касалликлар, уларни даволаш усуллари тахлил этилган.
Еттинчи китоб рак касалликларига, яралар, шишлар, суяк чикишлари ва синишларига багишланган.
Саккизинчи китобда пардоз-андозлар, ўзига оро беришлар хакида гап боради.
Тўккизинчи китобда захарлар ва унга карши даволаш усуллари хакида хикоя килинади.
Ўнинчи китоб давосизликка багишланган. «Захирайе Хоразмшохий» ўз вактида омма орасида кенг таркалган табобат сохасидаги энг машхур асар бўлганлигидан жахон кутубхоналарининг кўпчилигида унинг кўлёзмалари хамон сакланиб келинмокда. XII аср муаллифи ватандошимиз Арузий Самаркандий бу асарни буюк олимлар Жолинус, Розий, ибн Сино ва бошкаларнинг шу сохадаги китоблари каторига кўйиган. Бу асар хатто яхудий тилига таржима килинган эди. XVI аерда эса Абул Фадл Мухаммад ибн Идрис Дафтарий уни турк тилига таржима килган.
Маълумки, Шарк олимларигина эмас, балки XVIII аср охиригача яшаган Оврўпо олимлари хам барча борликнинг асосида тўрт унсур, яъни тупрок, сув, хаво ва олов ётади деб билишган. Исмоил Журжоний хам инсон танаси мазкур тўрт унсурдан ташкил топганини, у сабабсиз касалликка чалинмаслигини кайд этади. Касаллик сабаби эса, юкорида зикр этилган бир-бирига карама-карши бўлган тўрт унсур мувозанатининг бузилишидан келиб чикади. Шунинг учун хам Журжоний табобатни малака хосил килиш йўли билан кўлга киритиладиган фан деб хисоблайди.
Исмоил Журжоний фикрича, исбот ва тафаккур воситасида хосил килинган нарса илм деб аталади. Илм хам ўз навбатида икки хил бўлади: назарий ва амалий. Назарий илмларга адабиёт, мантик, риёзиёт кирса, амалий илмлар ўз ичига механика, тикувчилик ва бошка кўл ишлари, хунармандчиликни камраб олади. «Табобат илми эса, айни ходда хам назарий ва хам амалий илмлардан ташкил топали». Табобат илмидан кузатилган максад танани бутунликда — согломликда ушлаб туришга тиббий тадбирлар кўллаш йўли билан эришмокдир. Бундай холат бемор кишиларнинг ва уларни даволовчи табибларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Табиблар эса, табиатнинг барча сиру асроридан бохабар бўлишлари лозим.
Маълумки, табиатнинг энг буюк мўъжизаси — бу инсондир. Шунинг учун хам бу мўъжизанинг нимадан таркиб топганини билиш — уни даволашнинг калитидир.
Исмоил Журжоний фикрича, хайвонот оламининг хам ўз мизожи бор, аммо инсондаги мижозгина мўътадиддир. Бундай натижага Оврўпо олимлари XIX аернинг охирлари ва XX аернинг бошларида-гина эришдилар. Улар бутун инсон баданида бўладиган кимёвий жараёнлар, унинг она корнида пайдо бўлишидан бошланган ўзгаришлар, тугилгандан кейинги хаётий йўли: чакалоклиги, ўспиринлиги, ёшлиги, кексалиги, карилик ва ўлим билан якунланадиган хаётий боскичларидаги хар бир хужайраларнинг пайдо бўлиши, заволга юз тутиши, бир томондан асаб тизимининг дахолати сабабли юз берса, иккйнчи томондан, бадан аъзоларига маълум мижоз (темперамент)га эга бўлган хармонларнинг аралашиши окибатида юз беришини аникладилар. Хармонларнинг киши жисмига, рухиятига таъсири ошкора билиниб туради.
гариза (инстинкт) ва хаяжон, феълу атвор ва мизожлар хармонлар таъсири воситасида

намоён бўлади. Хозирги пайтда иссик, совук, нам ва курук мизожли инсонларнинг бўлишлиги ишончли далилларга асосланган илмий хакикат сифатида тан олинган. Чунки уларнинг манбаи асаб тизими, ички хармонлар амалиётида эканлиги исботланган.
Исмоил Журжоний кишилар мизожи уларнинг умрлари давомида ўзгариб туришлигини ва ўлимининг табиийлигини илмий жихатдан содда ва равон тилда тушунтирди.
Инсонлар умрини у тўрт даврга бўлади:
Биринчи давр — тугилиш, ўсиш ва парваришлаш боскичи бўлиб, 15—16 ёшгача бўлган вактни ўз ичига олади.
Иккинчи давр — ёшлик ва етуклик боскичи бўлиб, 30 ёшгача бўлган вактни ўз ичига олади. Бундан кейин жисмонан ўсиш ва улгайиш даври бошланади. Баъзиларда ўсиш ва улгайиш ёши 35 ёки 40 ёшгача хам давом этиши, шу ёшгача бўлган умрни ёшлик даври деб хисоблаш мумкин.
Учинчи давр — мўйсафидлик боскичи, бу даврда инсон то 60 ёшга етгунча ёшлик кувватидан бахра олиб яшаши мумкин бўлади.
Тўртинчи давр — киши умрининг карилик даври бўлиб, бунда кувватнинг сусайиш холати кузатилади ва бу жараён умрнинг охиригача давом этади. кариликнинг фазилати шундаки, баъзилар 60 ёш яшайди, баъзилар эса яна ўспиринлик, ёшлик ва мўйсафидлик йиллари канча давом этган бўлса, ўшанга тенг келадиган вакггача яшаб, 120 ёшга кириши мумкин.
Кишилар болалик даврларидан то етуклик ёшига етгунларига кадар иссик ва нам мизожга, етуклик ёшидан сўнг эса иссик ва курук мизожга эга бўладилар; 35 ёшдан кейин бундай холат камаяди.
Исмоил Журжонийнинг коинот ва инсон хакидаги илмий муло-хазалари вокеликдан олинган манбалар асосида шаклланган бўлиб, у инсоннинг табиий эхтиёжлари чексизлигидан келиб чикади ва уларни кондиришни аклий йўл билан чегаралашни ягона чора сифатида таргиб этади.
Унинг фикрича, хакикий лаззат жисмоний хузур-халоватда, тўкин-сочин хаёт кечиришда эмас, балки аклий ва маънавий камолотга эришишдадир. Нариги дунёдаги бехишт, жаннат хузур-хало-ватларини рухий, аклий ором олишликда деб тушунади. «Захирайе Хоразмшохий» асарини тугатгандан сўнг Журжоний Марв шахрига келади. Бу пайтда Марв шахри Султон Санжарнинг пойтахти хисобланар эди. Султон Санжар унга катта илтифот ва иззат-икром кўрсатганлиги сабабли Журжоний умрининг охиригача шу ерда яшади. Бу ерда хадис илмида Абул косим кўшайрий билан мулокатда бўлди, табобат сохасида эса машхур табиб ибн Аби Содик билан хамкорлик килди. Бундан ташкари Ирок, Форс ва Хузистон табиблари билан, ибн Синонинг баъзи шогирдлари билан хамсухбат бўлди. Умрининг охиригача Марв мадрасаларида бир неча фанлардан сабок берди. Ёкут Хамавийнинг «Мужам ул-булдон» асарида келтирилишича, Исмоил Журжоний Марвда хижрий 531 (1136) йилда вафот этди.
Исмоил Журжонийнинг илмий меросидан фойдаланиш кейинги асрларда хам самарали давом этди.

Кодиров